

Агросаноат комплекси ходимлари! Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини интенсивлашни тезлаштирингиз! Мамлакатни озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалик хом ашёси билан пухта таъминлашга эришингиз!

(КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ОКТЯБРЬ ЧАҚИРИҚЛАРИДАН).

АВАНГАРДЛИККА ИНТИЛИБ

КОММУНИСТЛАР

Юбилей йилининг улкан «оқ олтин» хирмонини бунёд этиш, юксак социалистик мажбуриятни бажариш учун пахтазорларда қаҳрамонона кураш тобора авж олмақда. Коммунистлар унинг авангардида бормоқдалар, ўзларининг жасоратли меҳнатлари билан бошқаларга ибрат бўлмоқдалар. Хўжалик аъзоларининг меҳнатини тўғри ташкил этиб ва уларнинг мусобақасини кенг йўлга қўйиб, пахта тайёрлаш йиллик планининг областда биринчи бўлиб бажаралишини таъминлаган Ўрта Чирчиқ районидagi Охунбобоев номли колхоз пахта ташкилоти Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил этилганлигининг шонли 60 йиллиги шарафига олган мажбуриятнинг ҳам тезроқ адо этилишига эришиш чораларини кўймоқда.

лар қатори 30 сентябрда адо этилди. Ҳозиргача гектаридан пландаги 29,7 центнер ўрнига қарийб 37 центнердан ҳосил олинди. Ҳосилнинг 90 процентидан ортиғи машиналар билан терилди.

Ленин ордени нишондори, район Советининг депутати коммунист Қўнсбой Йўлдошев ва Охунбобоев қишлоқ Советининг депутати коммунист Набижон Фозиловлар мўл ҳосил устаси сифатида ном чиқаришган. Улар ўзлари раҳбарлик қилган бригадалар коллективининг юбилей йилида план ва мажбуриятни барвақт бажариш учун бригадалараро мусобақада ғолиб чиқиш учун курашини намунали йўлга қўйди. Барча майдонда мўл ва эртаги ҳосил этиштирилишига эришди.

Бригада коллективи ҳосил йигим-теримининг дастлабки куниндан бошлаб илгориликни эгаллади. Бундан жасоратли меҳнатчи-ҳайдовчилар Аиром Бегиев ва Холмўраза Қўсатқовлар коммунистлар хос тайрат-ташабуус кўрсатиш ишланганлиги алоҳида аҳамиятга эга бўлди. Улар терим агрегатларини юқори унум билан тўхтовсиз ишлатишди. Бункердан кунига 10—12 тонна, терим қизғин тус олган паллада эса 15 тоннага етказиб пахта тўқинди. Бригадада айрим кунлари йиллик планининг 9—10 процентига етказиб пахта тайёрланди. Натيجанда йиллик план колхозда биринчи-

Планини муддатидан олдин адо этган коммунистлар Шукрулло Мамбетов, Юсуф Султонов бошлиқ бригада-ларнинг аъзолари ҳам дав-

латга мажбурият ҳисобига пахта сотмоқдалар.

Маълумки, бизнинг хўжалигини Тошкент технологиясини қўлланш, пахтани асосан машиналар билан териш орқали ўн йилдан ортиқ вақтдан бунён этиштирилган барча ҳосилни четдан ердам-чилар олмасдан ўз кучи билан йигиб-териб олиб кел-моқда. Бу йил ҳам шундай қилинади. Лекин бу колхоз-чилар пахта йигим-теримида иштирок этмайди, деган маънони билдирмайди. Улар ма-шиналар терими ўтказилган пайкаларда ерга тўкилган пахтани теришди.

Партия ташкилоти ҳисобидаги 120 коммунистдан 92 нафари ҳосил йигим-теримида бевосита иштирок этмоқда. Уларнинг бир қисми участка ва бригадаларга бошчилик қилаётган, «занго-ри кема»лари, бошқа тех-ника воситаларини бошқа-раётган бўлса, қолгани бе-лига отак бўлса, далада пахта терити, ўзининг ҳа-роратли меҳнати билан қў-чиликка ибрат қўрсатишти. Айни вақтда ҳозирги палла-да оммавий-сиёсий ишлар-нинг марказига айлانган да-ла шийонларида олиб бери-лаётган «агитация-пропаган-да» ишларида фаол иштирок эт-моқда.

Бригадалар ва механизаторлар ўртасида мусобақа кенг йўлга қўйилди. Унинг натижаси ҳар беш кунда

яқунлашиб, ғолиблар моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантириб борилаётган. Ҳосил йигим-терими даврида сиёсий ахборотчилар, «Билим» жамияти бошланғич ташкилотининг лекторлари, агитаторлар ўз фаолиятлари-ни янада кучайтиришди. Улар илгориларнинг тажриба-сини омаллаштириш, мусоба-қанинг ошқоралигини таъмин-лашда партия ташкилоти-га ақиндан ердам бермоқда-лар.

Далада ишлаётганлар ҳа-қида ғамхўрлик қилиш, улар-нинг маданий-маиший эҳти-ёкларини тўлароқ қондириш партия ташкилотининг диққат марказида. Мавжуд ўн беш-та дала шийони колхозчи-ларнинг маданий ҳордиқ чи-қарадиган, маънавий озиқ оладиган жойларга айланган. Бу ерда пахтакорлар туш-ки дам олиш пайтида ва иш ку-ни тугагандан кейин телеви-зор кўрсатувларини томоша қилишади, радио тинглашади, китоб ва журналлар, газета ўқишади. Дала шийонлари-да иссиқ овқат тайёрланади, домч олиб бўлади.

Буларнинг ҳаммаси кол-хозда ҳосил йигим-терими суръатини тобора тезлашти-риш имконини берибди. Ҳар кун йиллик планининг 6—7 проценти миқдорда ва бун-дан ҳам ошириб пахта тай-ёрлашга эришилди.

Пахтакорлар қилган фи-дикорона меҳнат, коммунист-лар ўз номларига муносиб равишда кўрсатган авангард-лик қувончли самара билан яқунлашди. Колхоз йиллик пахта тайёрлаш планини об-ласта биринчи бўлиб 8 ок-тябрда 18 иш кунинда оши-риб бажарди. Давлатга 3500 тоннадан зиёд эъло сифатли «оқ олтин» сотилди. Ҳар гектар ердан 29,6 центнер-дан ортиқ ҳосил олинди.

Давлатга яна 750 тонна пахта сотамиз, ҳосилдорлик-ни гектар бошига 36 цент-нерга етказиш юзасидан ол-ган мажбуриятимизни 25 ок-тябргагача тўла-тўқис бажар-миш! — Пахтакорларимиз, коммунистларимиз ана шу шиор остида курашни давом эттирмоқдалар.

Т. МАДИЕРОВ, Ўрта Чирчиқ районидagi Охунбобоев номли колхоз партия комитетининг сек-ретари.



В Е Т Е Р А Н БОШЛИҚ БРИГАДАДА

Самарқанд области Иштихон районидagi «Октябрь» колхозининг миришкор деҳқони Қўрбон Тожиев 30 йил-дан кўпроқ вақтдан бунён илгори пахтачилик бригадасига бошчилик қилиб келмоқда. Уруш ветерани ҳамда Ленин ордени ва Меҳнат Қизил Байроқ ордени иш-шондори Қўрбон ака жуда кўп ёшларни пахтакорлик кас-би-корига ўргатди. Ҳозирги кунда уларнинг қўлчилиги ўз устозлари қаторида жонбозлик кўрсатиб меҳнат қилиш-япти.

Ветеран бошлиқ коллектив хўжаликда ҳамма учун намуна. Бригада деҳқонлари ҳар йили план ва социалист-тик мажбуриятларини ошириб адо этадилар. Улар этиш-тирган пахтанинг асосий қисми аъло ва биринчи навлар-га топирилади.

Донгдор пахтакор бошлиқ бригада Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллиги шарафига жо-нобозли билан меҳнат қилиб, бу мавсумда ҳам пахтадан юқори ҳосил кўтаришга аҳд қилишди. Улар 70 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 42 центнердан «оқ олтин» ҳосил олишга сўз берди.

Биз яқин кунларда план топишининг ҳам ва энг-мазмунлиги мажбуриятини ҳам бажарамиз. Чунки бригада-имиздаги барча пахтакорларнинг аҳди шундай, — дейди коммунист Қўрбон Тожиев.

Суратда: Иштихон районидagi «Октябрь» колхозининг бригадари, моҳир пахтакор Қўрбон Тожиев.

Р. Гафуров фотоси. (ЎзТАГ).

Суратда: Сафаровларнинг оилавий отряди. (Чандан ўнгга) Абдумўмин, Абдумурод, Нормамат ва Урол Сафаровлар.

И. Хўжаев фотоси. (ЎзТАГ).

Фарзандлар меҳнатда тобланади ЗАРБДОР КУЧ

Шу кунларда районимиз далаларида умумий таълим мак-таблари юқори синфларининг олти мингдан ортиқ ўқувчиси пахта термоқда. Уларнинг кучи билан ҳар кун 350—400 тон-на «оқ олтин» йиғиб олинаётган. Мактаб ўқувчиларининг ҳо-зиргача терган пахтаси 9 минг тоннага яқинлашди.

Ўзбекистон ССР халқ маорифи аълоқиси Жуманазар Қи-личев директорлик қилаётган Ойбек номли ўрта мактаб ўқу-вчилари Киров номли колхоз пахта хирмонига баракали ҳисса қўшмоқдалар. Этак тақиб далага чиққан 250 ўқувчи кунлик кўрсаткични 14 тоннадан оширди. Сафаргул Хўсанова, Ой-бек Қиличев, Умида Ерматова, Муборак Қиличева каби ўқу-вчилар ҳар кун 100 килограммдан ошириб пахта териб, тенг-дошларига ўрнат бўлмоқдалар.

Мактаблар ўртасида таъсис қилинган кўча Қизил байроқ кейинги ўн кунликда энг яхши натижага эришган «Октябрь» номли ўрта мактабга берилди. Бу билим масканидagi ҳар бир ўқувчининг кунлик терган пахтаси ўртача 80 килограммдан ошди. Юлдуз Бенжонова, Зебо Жуманиёзова, Гўлбаҳор Рўзи-матова сингари ўқувчилар кунига 110—120 килограммдан па-хта теришяпти. Мавсум бошидан ҳозиргача уларнинг ҳар бири хирмонга тўққан пахта 3 тоннага етди. Шунингдек, Ҳамид Олимжон номли, «Коммунизм» номли ўрта мактабларнинг ўқувчилари ҳам теримда фидойилик кўрсатяптилар.

Район корхона ва муассасалари ўртасида таъсис этилган кўча Қизил байроқ халқ маорифи бўлимига берилганлиги бежиз эмас. Мактаб ўқувчилари ва ўқитувчилар коллективла-рининг пахта хирмонига қўшаётган улушлари кун сайин кў-пайиб бормоқда. 650 ўқувчи ўқувчилар гуруҳларига раҳ-барлик қилиш билан бирга ўзлари ҳам пахта териб шахсий ибрат кўрсатяптилар.

Йигим-теримда қатнашаётган ёшларнинг ҳар бири пахта даладарини жасорат, чиниқчи майдони ва тарбия мактаби, ҳаёт дорилфунуни деб билади.

Пахтакорлар зарбдор меҳнатда тобланаётган фарзандла-рининг улкан «оқ олтин» хирмонига тобора кўпроқ ҳисса қў-шишини ўзларининг ватанпарварлик ва интернационал бурча-ри деб биладилар.

Нармон АСҚАРОВ,
Янгимарк район халқ маорифи бўлимининг муддир.

ҚИШЛОҚ МЕХНАТКАШЛАРИ ШАРАФИГА

Деҳқонлар ва чорвадорлар ўзларининг профессионал байрами — қишлоқ хўжали-ги ходимлари кунини зарб-дор меҳнат билан қўтиб ол-моқдалар. Улардан энг яхши-лари — ишлаб чиқариш ил-горилари ҳамда новаторлари 12 октябрда бўлиб ўтган та-танали йилгида қатнашиш учун Москвага келдилар.

КПСС Марказий Комите-ти Сиёсий бюросининг аъзо-си, КПСС Марказий Комите-ти секретари М. С. Горбачев, КПСС Марказий Комитети секретари Е. К. Лигачев, СССР министрлари, СССР давлат комитетларининг ра-ислари, КПСС Марказий Ко-митетининг, СССР ва РСФСР Министрлар Совети-нинг масъул ходимлари пре-зидиумдан жой оладилар. Да-

лалар ва фермаларнинг қаҳ-рамонлари, колхоз ҳаракати-нинг ветеранлари, олимлар улар билан бирга эдилар.

СССР қишлоқ хўжалик министри В. К. Месяц до-клад қилди. У мамлакат агро-саноат комплексининг меҳ-натчилари Озиқ-овқат про-граммасида ўртага қўйилган вазифаларни ҳал этишга куч-гайрат сарфлаётганликлари-ни қайд этиб ўтди.

Йигилиш қатнашчилари қишлоқ меҳнаткашлари КПСС XXVI съездининг қа-ропларини амалга ошириш, Озиқ-овқат программаси то-пириқларини муваффақият-ли бажариш учун бутун куч-ларини сарфлайдилар, деб ваъда бердилар.


(ТАСС).

КОНТРОЛЁРЛАРНИНГ ЮКСАК БУРЧИ

Ўрток К. У. Черненко 1984 йил 5 октябрда халқ контро-лёрларининг Бутуниттифоқ кенгашида сўзлаган «Халқ контролёрининг юксак граяк-

данлик бурчи» нутқи алоҳи-да китобча қилиб чиқарилиди. Китобча Сиёсий адабиёт нашриётида босилиб чиқди.

(ТАСС).



ОҒА-ИНИ БОТИРЛАР

ЛАВҲА

Музабботнинг қадимий унум-дор даштилари Кўхтанг тоғи этекларида ташкил топган Гага-рин районидagi кенжа ва кў-риқ хўжалик — «Навбахор» совхозига қарашли. Бу ерлар-дан бундан 50 йил муқаддам «Гу-листон» колхози бўларди. Унга жонқур одам Норкул Келди-ров раислик қиларди. Бу хўжа-лик ўша пайтларда 180 гектар майдонда бўлоқ суви билан пахта етиштириб, Сурхон воҳа-сида энг юқори ҳосил олган. Раис Ленин ордени билан му-кофотланган.

Шундан бери ярим аср вақт ўтди. Бу ерларнинг қиёфаси тўбдан ўзгариб кетди.

...Катта бобоси Келдиёров бошлаб берган ишни бугун унинг неваралари Абдумўмин Сафаров бошлиқ етти баҳадир — оға-инилар давом эттириш-япти. Бобоси чигит қадаган худди ўша 180 гектарли майдонда улар қимматбаҳо «тер-миш-14» нави оли пахтадан «мўл-қўл» ҳосил этиштиришяпти.

Музаббот даштиларидagi пахтакор уммониди 53 ёшлар-даги забардаст йигит — Ўзе-бекистон Ленин комсомолни му-кофоти лауреати Абдумўмин Са-фаров ва унинг оилавий эки-пак аъзолари бошқараётган «зангори кема»лар шахдам су-зади. Биз қарта четиға ақинла-шиб келаятган суворийларга пешовз чиқамиз. Оға-ини боти-рлар саркарини у бошлиқ ал-машлаб энг уштакчиси Сурхон воҳасида биринчи бўлиб пла-ни бажарганили, оилавий эки-пак аъзолари эса ҳозиргача 500 тоннадан кўпроқ пахтани

унумини қамида 200 тоннага ет-казишга қарор қилишди.

Таникли пахтакор, тажрибали меҳнаткор, коммунист А. Са-фаров қатор йиллардан бери меҳнатқилинган йорик бри-гадага раҳбарлик қилиб келди. Ўтган йилдан бошлаб эса сов-хознинг 5-алмашлаб энг ш-уштакчиси бошчилик қилляпти.

У қайси вазифани бажармасин ҳар мавсумда «зангори кема» рулини бошқариб келмоқда. Уштак пахтакорлари юбилей йилида 180 гектар майдондан 45 центнердан, жами 810 тон-на «оқ олтин» хирмони уйиш, меҳнаткорлар эса ялпи ҳо-силнинг 85 процентиини маши-налар бункиридан тўқшиға аҳд қилидилар. А. Сафаровнинг ўзи 300 тонна пахта териб бериш мажбуриятини олди.

Оилавий экипак аъзолари-нинг ҳар бири кунига 6-7 тон-на пахтани бункерлардан бў-шатяпти.

А. ХАЛИЛОВ,
«Совет Ўзбекистони» мух-бири.

«Ўроқ ва Болға»
иттифоқига садоқат

КАМАРБАСТАМИЗ

Ўзбекистон ССР ва Ўзе-бекистон Компартиясининг 60 йиллиги байрами арафасида пахта йигим-терими ҳамма учун, биринчи галда комму-нистлар ва комсомол-ешлар учун жасорат майдонига ай-ланиб бормоқда.

Корхонамиз ишчи-хизмат-чилари ҳам ҳар бир дақиқа ўзларини бу улкан ишда камарбаста деб ҳисоблайди-лар. Зеро, йигим-терим даврида бачча Ўзбекистон-ликлар қатори фаол қатна-шиш бизнинг муқаддас бур-чимиздир.

Корхонамиз бош конве-йердан юбилей йилининг бо-шдан бунён тушириб олин-ган «зангори кема»лар со-ни 7250 тадан ошиб кетди. Машинасозлар ҳар кунни конвейердан пландаги 37 ўрнига 40 та маши-на тушириб олишяпти. Бу, уларнинг шу йил мобайнида меҳнат унумдорлигини план-дан ташқари 1,2 процент ўстиришга ва планга қў-шимча 120 та пахта териш машиналарни тайёрлашга эришишларидан далолат бе-ради.

Заводимизда шу кунлар-да «ХНП-1,8» маркали уни-версал «зангори кема»лар тайёрлаш қизгин паллага кирган. Бу машиналар ўз ўтмишдошларидан тақомил-лашган конструкцияси ва пахтачиликдаги ҳар хил жа-раёнларга мослашганили, бошқача айтганда уни-версаллиги билан фарқ қилади. Машинанинг подборт тере-диган ва айна пайтда бир йў-ла тозалаб берадиган аппа-ратлари бор. Икки қисмдан иборат бункернинг бир то-монига тоза, иккинчи томо-нига эса ифлосланган пахта тушади. Машина пахтакор-лар қўлдан бунён оруз қилган кучли «пўлат от» — 80 от кучига эга «МТЗ-80» тра-кторларига монтаж қилин-моқда. Юбилей йилида ана шу комбайннинг ўзидан 2700 таси пахтакорларга юборилди. Шунингдек, кол-лективимиз илгичка тонали на уруғлик пахтани табақа-лаб тередиган машиналардан ҳам аячигна тайёрлаб бе-ришди.

Мен бошлиқ бригада бош конвейерда меҳнат қилади. Холмурод Хўжаев бошлиқ комсомол-ешлар бригадаси билан ўзаро мусобақашо-миз. Ҳозирча ҳар кили то-мон ҳам буш келаятгани йўқ.

Яна шунинг қувонч билан таъкидлаб ўтишим керак-ки, кейинги пайтларда участкамизда меҳнатни ил-мий асосда ташкил этиш со-ҳасида қатор тадбирларни амалга оширишга киришдик. Ана шундай ишлаш нати-

Ҳамро САФАРБОВ,
Тошкент қишлоқ хўжали-ги машинасозлиги заводи ишчиси, коммунистик меҳ-нат зарбдори.

Пахтазор илҳомлари САФАРБАРЛИК

Бу йил пахтакорлар йили бўлди соз,
Бошқача ҳосият, бошқача парвоз.

Бошқача кайфият, бошқача туйғу
Бошқача масъуллиқ, бошқача ургу.

Фикрда аниқлик, зикрда ҳақлик.
Ҳатто аниқда кикир-чикирда ҳақлик...

Йил бошидан кўзлаб ҳосилин чандон,
Маҳкам бел боғлади меҳнатга деҳқон

Табият жаҳдига меҳнати тадбир,
Етказмай ўсдирди ҳосилга таъсир.

Ҳосилдан қўнгли тўқ эрур бу йил,
Хижолатдан асло хавфни йўқ бу йил.

Қўзлаган маррага етиши аниқ,
Аҳдига яраша нияти тиниқ.

Сафарбар теримга тушди пахтакор,
Қўнглида зўр ишонч, ғалаба—шиор.

Отланди кўмакка ҳамма — шаҳар ҳам,
Энди элни тутди хушхабар ҳам.

Сергайрат ёшларким, далада бугун,
Бўлади ортиқроқ ҳар кунги якун.

Бунга менинг дилда ишончим қомил,
Шундай сербарка бу йилги ҳосил.

Бу қўтлуғ, муборак юбилей йилида,
Тўёна ҳаммининг фикри-дилида.

Ҳосил тўйи юбилейга уланади,
Карвонларини қўрган кўз қувонади.

Пахтакор юртимизнинг аҳди мана шу,
Ҳар бир теримчининг жаҳди мана шу.

Хирмонга пахтани бункер, этиқлар —
Пайваст тўқиб турса, ўсар тилақлар.

Ҳосил тарозуга чиққан сари,
Босар қўнглинг ўсиб—нишинг илгари.

Шундай ўсаберсин рақам, хирмонинг,
Марра куч эртагор қолмай армонинг.

Сенга, пахтакорим тилагини қўтлуғ,
Муборак ҳосилинг шавкати улуг.

Восит САЪДУЛЛА.

ДЕПУТАТ ВА ҲАЁТ ТАШАББУСКОРЛАР

дालаларидаги барча ишлар ана шу тадбирлар асосида ташкил этилди. Овул Совети территориясида яшовчи иш-га яроқли кесакча ёш терим-да фаол иштирок этишмоқ-да. Ҳаммининг мақсади — йил бўйи қилинган меҳнат эвазига этиштирилган «оқ олтин» ҳосилининг бир грам-мида ҳам нест-нобуд қил-масдан ёғин-сочини кунлар-гача йиғиштириб олишдир.

Депутатларимиз бу ишда зўр ташаббус ва ишчанлик кўрсатишяпти. Улар терим-чиларга тегишли шартот-яратнишга беш-қош бўлиш билан бирга меҳнатда ша-ҳарни намуна кўрсатишяпти.

СССР Олий Советининг колхозининг аъзоси Ўғилжон Сапоева мавсумда 10 тонна пахта териб бериш мажбу-риятини олди. У ҳар кунги хирмонга 180—200 кило-граммдан пахта териб тўқ-моқда. Шунингдек Ўзбеки-стон ССР Олий Советининг депутати Бибисора Менгли-ева, Қорақалпоғистон АССР Олий Советининг депутати Солиа Йўлдошева, район ва овул Советларининг депута-лари Ўғилжон Рўзимбетова,

Бибисоша Жалғасова, Дило-ром Ибодуллаева ва Зудай-хо Ботировалар ҳам 7—8 тоннадан пахта териб бериш-га аҳд қилишган.

Овул Совети территория-сида яшовчи уй бекалари, пенсионерлар ҳам йигим-те-рим ишларидан четда қол-маётдилар. Теримда юздан ортиқ уй бекаси ва пенсio-нерлар иштирок этишяпти.

Бу йил 600 гектар май-дондаги пахта «зангори ке-ма»лар ердамида йиғишти-рилиб олинади. Ҳозир тўрта йигим-терим-транспорт отря-ди ердамида йиллик план-

нинг 1 проценти миқдориди пахта тайёрланмоқда. Терим суръатини янада ошириш мақсадида механизаторлар ўртасидаги социалистик му-собақа натижалари ҳар беш кунда яқунлашяпти. Меҳа-ник-ҳайдовчилар унумли меҳ-нат қилишлари учун иссиқ овқат бевосита иш жойига элтиб берилди.

«Депутатлар ҳосилининг нобуд қилинишига асло йўл қўймасликлари, керак». Де-путат постлари аъзолари-нинг шиори ана шундай. Барча пахтачилик брига-даларининг аъзолари, ремонт

устахоналари, терим-транс-порт отрядларида ташкил қилинган бу постлар халқ назоратчилари, «Комсомол прожектори» аъзолари на пионерлар билан ҳамкорлик-да пахта нобудгарчилиги-нинг олдини олиш учун ак-тив фаолият кўрсатмоқда.

Димитров номли колхоз пахтакорлари бу йил ана-Ван-тага 6 минг тонна сифатли «оқ олтин» топириш мақ-садида ҳужайида кунига 2,9—3,2 процент миқдориди пахта тайёрланмоқда. Юксак мажбуриятини 7 ноябрга бажариш учун депутатлар ўз фаолиятларини янада ак-тивлаштирмоқдалар.

Х. СЕРЖАНОВ,
Тўрқўли район, Шўра-хон овул Советининг ра-ис.

